



№43 (896)

2025 йил 16 май,
жума

O'ZBEKISTON BUNYODKORI

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

ijtimoiy-iqtisodiy
gazeta



facebook uzbunyodkor telegram t.me/uzbunyodkor instagram uzbunyodkor email info@uzbunyodkor.uz website uzbunyodkor.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг
сешанба ва жума кунлари чиқади.

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ РЕНОВАЦИЯ ВА ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳрида
режалаштирилган реновация ва инвестиция
лойиҳалари тақдироти билан танишди.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 24 декабрдаги қарори билан Тошкент шаҳрининг 2045 йилгача бўлган даврга мўлжалланган бош режаси тасдиқланган эди. Бош режага кўра, пойтахтимиз ҳудуди 3 та – консервация, реконструкция ва реновация зоналарига ажратилган.

Жумладан, реновация зонасига эски, кам қаватли уйлар, шаҳарсозлик ва зилзилабардорлиқ талабларига жавоб бермайдиган бинолар киририлган. Улар босқичма-босқич бартараф этилиб, бўшатирилган ҳудуд замонавий лойиҳалар асосида қайтадан қурилиши кўзда тутилган.

Тақдимотда бу борадаги режалар ҳақида ахборот берилди.

Қайд этилганидек, Бош режада 300 дан ортиқ реновация манзили белгиланган. 2025-2026 йилларга мўлжалланган биринчи босқичда 65 та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган. Бу орқали мазкур ҳудудлар функционал жиҳатдан бойитилади, аҳоли учун шароитлар яхшиланади, атроф ободонлаштирилади. Натижада эски ва замонавий мавзелар орасидаги тафовут босқичма-босқич қисқартириб борилади ҳамда улар ўзаро уйғунлаштирилади. Бинолар кам майдонда қурилиб, мавжуд дархатлар саклаб қолинади, янги яшил ҳудудлар барпо этилади.

Давлатимиз раҳбари бу лойиҳаларнинг шаҳар архитектураси ва инфратузилмасига мослигини чуқур ўрганиш, геологик ва сейсмик таҳлиллар асосида хавфсизлик жиҳатидан такомиллаштириш бўйича кўрсатмалар берди. Турар жойлар мактаб-боғча каби ижтимоий муассасалар, дам олиш шароитлари билан ҳамоҳанг бўлиши зарурлигини таъкидлади.

Шаҳарнинг “ўпқаси” дарактзорлар

бўлса, ариқ ва каналлар унинг “кон томири”. Президентимиз кўрсатмаси билан янги бош режада бу масалаларга алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, Тошкент шаҳри ва унинг атрофидаги яшил ҳудудларни 3 қарра кўпайтириб, 25 минг гектарга етказиш мақсад қилинган. Бу, ўз навбатида, сув йўллари яхшилашни талаб этади.

Тақдимотда шаҳар ирригация ва дренаж тармоқларининг янги бош режа билан уйғунлаштирилган тизими ҳам кўриб чиқилди.

Унга кўра, 2030 йилгача 100 километр каналлар реконструкция қилиниб, атрофда сайилгоҳлар ташкил этилади.

Туркиянинг “Su-yapi engineering and consulting” компанияси билан бирга дренаж тармоқларидаги муаммолар ўрганилган. Аэрофото, геодезия ва ёгингарчилик таҳлили асосида бу тармоқларни янгилаш бўйича мастер-режа ишлаб чиқилган. Ўтган йили 45 та сув тошқини ҳудудлари бартараф этилган. Бу йил яна 34 та жойда шундай ишлар бажарилади.

Президентимиз бу ишларни давом эттириб, қамровини янада ошириш, шу йўналишда мутахассислар тайёрлаш зарурлигини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарига Тошкент шаҳрида инвестиция лойиҳаларининг ҳолати ҳақида ҳам ахборот берилди.

Пойтахтимизда умумий қиймати 25 миллиард долларлик 717 та инвестиция лойиҳаси шакллантирилган. Жорий йилда шундан 7 миллиард 500 миллион доллар ўзлаштирилиб, 265 та лойиҳа ишга туширилиши кўзда тутилган. Буларнинг натижасида турар жойлар, савдо ва кўнгилочар мажмуалар қурилиб, sanoat қорхоналари ташкил этилади ва минглаб иш ўринлари очилади.

Ў.А.

78 километр узунликдаги ЯНГИ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛИ ҚУРИЛМОҚДА



Муродбек ДАВЛАТОВ,

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги матбуот хизмати раҳбари.

**Вилоят Автомобиль йўллари ҳамда Ахборот ва оммавий
коммуникациялар бошқармалари ҳамкорлигида
журналистлар, блогерлар ҳамда давлат ташкилотларининг
ахборот хизматлари раҳбарлари учун пресс-тур ташкил
этилди.**

Ушбу медиа тадбир доирасида иштирокчилар Саросиё туманидаги “Боғча” аҳоли пунктидан Қашқадарё вилоятининг Шахрисабз туманидаги Камар қишлоғигача бўлган, умумий фойдаланишдаги 2-тоифали 78 километр узунликдаги янги автомобиль йўли қурилиши билан яқиндан танишдилар.

Президентимизнинг 2022 йил 30 декабрдаги ПҚ-465-сонли қарори асосида амалга оширилаётган мазкур йўл қурилиши лойиҳасининг умумий қиймати 223,3 миллиард сўмни ташкил этади. Аини пайтда йўлнинг 5 километр қисмида ер ишлари, 4 километр қисмида асос қурилиши ва 2 километр қисмида ҳимоя деворларини барпо этиш ишлари жадал суръатда олиб борилаётган.

Янги йўл фойдаланишга топширилгандан сўнг, умумий масофа 212 километрга қисқаради. Бу эса Денов – Тошкент йўналишидаги масофани ҳозирги 750 километр ўрнига 538 километрга туширади. Мазкур ўзгариш натижа-сида Тошкентгача бўлган сафар вақти икки ярим соатгача қисқаришига эришилади.

– Ҳозирги кунда ушбу йўл қурилиши икки босқичда амалга оширилмоқда, – деди вилоят Автомобиль йўллари бошқармаси бош муҳандиси Маъмуржон Ғозиев. – Биринчи босқич 0 дан олтигача, 6 километр қисмида, иккинчи босқич Қашқадарё тарафдан 75-85-километр оралиғида давом эттирилади. Ҳозирда асосий қурилиш ишлари давом этмоқда. Бу йўл икки тасмали бўлиб, эни 9 метрни ташкил қилади.



Янги йўл фойдаланишга топширилгач, Сурхондарё вилоятидан Тошкентга бориш йўли Денов, Саросиё, Узун туманларидан 200 километргача масофага қисқаришдан ташқари, Тожикистонга ҳам транзит юк автомобиллари қатнови йўлга қўйилади.

Пресс-тур доирасида қатнашчилар, шунингдек, Сангардак маҳалласида

туризм йўналишида амалга оширилаётган лойиҳалар – хусусан, дор йўли, меҳмонхона ва савдо-сервис объекти-лари қурилиши билан ҳам танишдилар. Сурхондарёнинг ташриф қоғозларидан бири бўлиб “Сангардак” туризм қишлоғи ҳудудида умумий майдони 615 гектар бўлган “Сангардак” туристик марка-зи қурилиши давом этмоқда.

ВАЗИРЛИК ВА ТИЗИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА

**Қурилиш ва уй-жой коммунал
хўжалиги вазири – Ўзбекистон Оғир
атлетика федерацияси раиси Шерзод
Ҳидоятлов номидан вазир ўринбосари
Тоир Алиматов оғир атлетика
бўйича жаҳон чемпионатида бронза
медалини қўлга киритган Ҳикматилло
Ҳайдаров ва унинг мураббийи Ақобир
Усмоновни табриклаб, совғалар
топширди.**



Тадбирда сўз олганлар ўзбек спортининг келажаги бўлган ёшларимизни эришган муваффақиятлари билан қутлаб, уларга катталар ўртасидаги дунё биринчиликлари ва Олимпия ўйинларида ҳам шохсўпага кўтарилишларини тилашди.



**Қурилиш ва уй-жой коммунал
хўжалиги соҳасида назорат қилиш
инспекциясида соҳада амалга
оширилаётган ишлар, мавжуд
муаммолар ва устувор вазифалар
юзасидан кенгайтирилган йиғилиш
бўлиб ўтди.**

Инспекция раҳбари Сирожиддин Эшқувватов соҳада олиб борилаётган ишлар, қурилиш ва коммунал соҳаларда аниқланган қонунбузилишлар ва уларни бартараф этиш юзасидан амалга оширилаётган чоралар ҳақида тўхталди. Назорат ишларининг самарадорлигини ошириш, қурилиш ва коммунал соҳалардаги ноқонуний ҳолатларга қатъий ва қонуний тарзда чек қўйиш, ҳудудий инспекциялар фаолиятини янада кучайтириш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилди.

**Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой
коммунал хўжалиги соҳасида
ҳудудий назорат қилиш инспекцияси
томонидан ўтказилган рейд
тадбирлари давомида Самарқанд
шаҳри Рўдакий кўчасидаги 77-сонли
кўп қаватли уйнинг 9-қаватида
жойлашган хонадонларнинг пентхаус
қисмида 2 та ҳолатда ўзбошимчалик
билан бассейн қурилмаси
қурилганлиги аниқланди.**



Ҳолат юзасидан инспекция ходимлари томонидан фуқароларга бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар берилиб, ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 159-моддаси тегишли қисмида асосан маъмурий чора қўриш ишлари олиб борилаётган.



**Навоий вилояти Зарафшон шаҳридаги
“Марварид” кўли атрофида
Туркиянинг “Sigma Tashkent”
компанияси томонидан “Янги
Зарафшон” маҳалласи ҳудудидаги
30 гектар ер майдонида қад ростловчи
мини шаҳарчанинг мастер-режаси
ишлаб чиқилмоқда.**

Мазкур режа асосида замонавий бозор, кўнгилочар истироҳат боғи, беш юлдузли меҳмонхона, экстремал ҳудуд, дала ҳовлилар ва хизмат кўрсатиш, бунгало ва капсула шаклидаги уйлар, замонавий аквапарк каби лойиҳалар амалга оширилади. Лойиҳалар амалга ошгач, кўп атрофида янги замонавий беш юлдузли меҳмонхоналар, йирик ва ўрта ҳажмдаги хизмат кўрсатиш объектилари, жаҳон стандартларига мос савдо маркази ҳамда 100 га яқин туристик турар жой қурилиши кўзда тутилган.

**Компетенцияни ривожлантириш
институтига раҳбар ва ёшлар
учрашуви ташкил этилди. Унда
қурилиш ва коммунал соҳаларда
замонавий технологиялардан
фойдаланиш, соҳа олдида турган
устувор вазифалар ҳамда ёш
мутахассисларнинг бу борадаги роли
ҳақида атрофлича фикр юритилди.**



Шунингдек, учрашув давомида ёшлар ўзларини қизиктирган саволлари ҳамда таклиф ва ташаббусларини институт раҳбариятига билдиришди. Албатта, институт масъуллари томонидан барча фикр ва таклифлар эътибор билан тингланди ҳамда уларни амалиётда қўллаб-қувватлаш мумкинлиги билдирилди.

Янги Тошкент аҳолиси

пиёда ёки велосипедда 15 дақиқа ичида исталган манзилга бора олади

Янги Тошкент лойиҳаси – Ўзбекистоннинг энг йирик ва истикболли урбанизация ташаббусларидан бири бўлиб, у нафақат шаҳар инфратузилмасини замонавийлаштириш, балки яшил ва экологик барқарор ҳудудлар яратиш, халқаро ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда инновацион технологияларни жорий этиш орқали йирик инвестицияларни жалб қилишга хизмат қилади. Ушбу лойиҳа орқали келажак авлодлар учун қулай, яшаш учун мўътадил ва замонавий шаҳар муҳитини шакллантириш мақсад қилиб қўйилган.

Айтиш мумкинки, Янги Тошкентда яшил қурилиш концепциясини жорий этиш Ўзбекистоннинг иқлим барқарорлиги стратегиясининг муҳим таркибий қисмидир. Шаҳарни барқарор ривожлантиришда энергия самардорлиги ва қайта тикланувчи манбалардан фойдаланиш устувор йўналиш саналади. Шаҳарнинг энергия таъминоти деярли 100 фоиз тикланувчи энергия манбаларига асосланади. Биринчи босқичда пахта пояларидан ишлаб чиқариладиган биоёқилги асосидаги тригенерация қурилмаси ишга туширилади. Бу

иншоот 50 МВт иссиқлик ва 27 МВт электр энергияси билан таъминлайди.

Кўёш электр станциялари ва гидроэлектр қувватлари орқали шаҳарга 1 ГВт дан ортқ яшил энергия етказиб берилади. Энергия узлуксизлигини таъминлаш мақсадида йирик энергия сақлаш тизимлари ўрнатилади. Янги Тошкентда бинолар энергия ва сув истеъмолини 20-30 фоизга қисқартириш орқали анъанавий бинолардан самаралироқ бўлади. Энергия самарадорлиги туфайли йилига 900 миллион кВт соат

электр энергияси, сув тежаш технологиялари туфайли эса 4 миллион кубометр сув иқтисод қилинади.

Шунингдек, Янги Тошкентда инсон манфаатларига йўналтирилган дизайн концепцияси татбиқ этилмоқда. Бу ёндашув аҳолига қулай ва хавфсиз яшаш муҳитини яратишга хизмат қилади. Шаҳар аҳолиси зарур хизматлардан пиёда ёки велосипедда 15 дақиқа ичида фойдаланиш имкониятига эга бўлади. Бу маҳалла тизимини замонавий “15 дақиқалик шаҳар” концепцияси билан биравлантиришни кўзда тутати. Шаҳарда транспорт тизими инсон эҳтиёжларига мос равишда шакллантирилади. Шахсий автомобилга бўлган эҳтиёжни камайтириш учун жамоат транспорт, пиёдалар ва велосипед йўлаклари ривожлантирилади. Турли транспорт воситаларининг уйғунлиги аҳолига ҳаракатланиш эркинлигини таъминлайди.

Қолаверса, лойиҳа доирасида биринчи босқичда ернинг 30 фоиз яшил парк ва хиебонлар учун ажратилади. Биноларда яшил том технологияси жорий этилиб, улар жазирама ёз кунларида салқинликни сақлашга хизмат қилади. Бу инновацион ечим шаҳарнинг иқлимий барқарорлигини оширади ва энергия тежамкорлигини таъминлайди. Янги Тошкентда халқаро эътироф этилган яшил қурилиш стандартлари татбиқ этилади. Бу нафақат экологик жиҳатдан самарали, балки халқаро инвесторларга ҳам жозибадор шаҳар муҳитини яратади.

Бир сўз билан айтганда, Янги Тошкент – бу нафақат пойтахт инфратузилмасини ривожлантириш, балки келажак учун барқарор яшил шаҳар яратиш йўлидаги муҳим қадамдир. Экологик тоза, энергия ва сувни тежайдиган, замонавий яшаш муҳитини яратишга қаратилган лойиҳа халқаро ҳамкорликни мустақамлаш ва йирик инвестицияларни жалб этишда муҳим аҳамият касб этади.

Яшил шаҳарлар келажак авлодлар учун хавфсиз, қулай ва иқтисодий жиҳатдан самарали ҳаёт тарзини таъминлайди. Шу боис, Янги Тошкент лойиҳаси Ўзбекистоннинг урбанизацияни ривожланишида пешқадам бўлиши, шубҳасиз. **Ўз муҳбиримиз.**



КОММУНАЛ ИНФРАТУЗИЛМА ЗАМОНАВИЙ ҚИЁФА КАСБ ЭТМОҚДА

Адҳам ЭГАМБЕРДИЕВ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан пойтахт ҳаётидаги муҳим тармоқлар фаолиятини очиқ ва ошқора ёритиш мақсадида журналистлар ва блогерлар учун пресс-тур ташкил этилди.

Дастлаб пресс-тур давомида иштирокчилар пойтахт канализация тизимининг таянч нуқтаси – Салар тўйинтириш иншооти, энергетика соҳасидаги йирик янги лойиҳа – “Янги Ўзбекистон” подстанцияси ҳамда иссиқлик таъминоти барқарорлигини таъминлайдиган Ўсмон Носир номли муҳандислик коллектори фаолияти билан танишиш имконига эга бўлишди.

Пойтахт электр таъминотининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида Яшнобод ва Мирзо Улугбек туманларида жойлашган 11 та маҳаллани электр энергияси билан барқарор таъминловчи “Янги Ўзбекистон” подстанцияси қурилиш босқичма-босқич якунланмоқда. Кучланиши 110/35/10 кВ бўлган, 2 та 63 МВА қувватга эга трансформаторлар билан жиҳозланган ушбу йирик энергия маркази шаҳар эҳтиёжига мос равишда ишлаб чиқилган. Подстанция орқали “Тузел” подстанциясидаги ортқича юклама камайтирилади, янги барпо этилган Олимпия шаҳарчаси ва “Янги

Ўзбекистон” боғига узлуксиз электр энергияси етказиб берилади.

– Ушбу иншоотнинг аҳамиятини юқори баҳолаш лозим, – деди “Тошкент шаҳар электр тармоқлари” МЧЖ бош муҳандис ўринбосари Илхом Шерматов. – Ушбу лойиҳалар халқимизга узоқ йиллар хизмат қиладиган инфратузилмага айланади. Эътиборли томони шундаки, подстанция маҳаллий маҳсулотлар ва технологиялар асосида барпо этилган. Лойиҳа орқали халқимиз узоқ йиллар электр энергиясидан баҳраманд бўлиши имконига эга. Янги подстанция авария ҳолатларида ўзини автоматик ўчириш хусусиятига ҳам эга.

1985 йилда қурилган Ўсмон Носир номли муҳандислик коллектори Яккасарой ва Миробод туманларининг иссиқлик таъминотида муҳим аҳамият касб этади. 8,2 километр узунликдаги коллектор бутунги кунда 190 дан ортқ кўп қаватли уй ва 45 дан ортқ ижтимоий муассасани иссиқлик билан таъминламоқда. Аммо йиллар ўз ишини қилган: қувурлар жисмоний жиҳатдан

эскирган, иссиқлик йўқотишлари ортган. Шу боис, реконструкция ишлари “Veoliya Energy Tashkent” компанияси томонидан босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

2025-2026 йиллар куз-киш мавсумида Тошкент шаҳри иссиқлик таъминоти тизимини барқарор ва узлуксиз ишлатиш мақсадида “Veoliya Energy Tashkent” МЧЖ ХК томонидан кенг қўламли тайёргарлик ишлари амалга ошириляпти. Жумладан, 73,5 километр эскирган иссиқлик қувурларини алмаштириш, 474 километр қувурда жорий таъмирлаш ишларини олиб бориш, 23 та қозонхонани мукаммал ва 519 тасини жорий таъмирлаш, 13 та насос станциясида туб ва 72 тасида жорий таъмирлаш ишларини бажариш режалаштирилган.

Ҳозирги кунда мазкур дастур доирасида 17,7 километр иссиқлик қувурлари янгиланиб, 123 километр қувур таъмирланган, 2 та қозонхона тўлиқ, 98 таси жорий таъмирдан чиқарилган. Шунингдек, 18 та насос станциясида жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Хулоса ўрнида айтиш керакки, Тошкент шаҳри энергетик барқарорлик сари мавжуд имкониятларини бойитиб, келажакка илдам қадамлар қўймоқда. Ўйлаймизки, ислохотлар ўз самарасини беради.

БСКлар фаолиятидан

БОШҚАРУВ БУ – САНЪАТ, СЕРВИС ЭСА – МАДАНИЯТ

Нигора НОЗИМЖОНОВА, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Давлатимиз раҳбарининг Хоразм вилоятига ташрифи чоғида бўлиб ўтган учрашувларда ёши улуг инсонлар, зиёлилар маҳалла фаоллари, фермерлар ва тадбиркорлар, илгор ёшлар, хуллас, бутун Хоразм аҳлининг табассум, чексиз қувонч, шукроналик ва эртанг кунга ишончни кўриш мумкин.

Бу бежизга эмас. Боиси, ҳудудда амалга оширилаётган қатта масштабдаги ишлар ташриф асосида белгиланган вазифалар Хоразм вилоятининг янги уфқларини очади. Аҳолига қулайлик яратиш борасида қилинган ишларга бир мисол. Ҳудудда қад ростлаган кўп қаватли уй-жойларда сифатли хизмат кўрсатиш мақсадида бошқарув сервис компанияларининг фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, улар бевосита аҳолининг яшаш шароити яхшиланишига хизмат қилмоқда.

Бугун дунё тез ўзгармоқда. Рақамли трансформация мижозларга йўналтирилган ёндашув ва самарадорлик билан боғлиқ. Ана шу омиллар замонавий бошқарув сервис компанияларини янги босқичга олиб чиқиб, мамлакатимизда кўп қаватли уйлардан иборат маҳаллаларда коммунал соҳани бошқариш ва маҳаллалар ободлигини таъминлашда янги тизим йўлга қўйилляпти. Республикаимиз ҳудудларида БСКлар ташкил этилиб, кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатиш сифати яхшиланмоқда. Урганч шаҳридаги “Хоразм шинам уйлари” БСК ҳам айни шу йўналишда самарали тизимни йўлга қўйди.

– Бугунги кунда 324 та кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатяпмиз, – деди компания раҳбари Гулнора Отахонова. – Бу уйлар Урганч шаҳрининг 12 та маҳалласидаги 12 мингдан ортқ хонадонлардир. Бугунги кунда фойдаланиш имконияти бор ертўлалардан фойдаланиб, 40 турга яқин қўшимча хизматларни ташкил қилганмиз. Тадбиркорлар билан биргаликда янги иш



ўринларини яратиб келмоқдамиз. Бугунги кунда компаниямизда 160 дан ортқ малакали ишчи-ҳодимлар фаолият юритиб, 24/7 режимида диспетчерлик хизмати йўлга қўйилган. Мен бу соҳада 10 йилдан бери ишлаб келаман. Бугунги кунда Президентимиз яратиб берган ислохотлари натижасида Урганч шаҳрида ишсиз ўтирган ёки миграциядан қайтган аёлларни касбга тайёрлаш ва уларни касбга тайёрлагандан кейин етиштираётган маҳсулотларни сотишга бўлган тизимни шакллантирганмиз.

Аёлларни касбга тайёрлаш ўқув маркази ҳам БСК қошида ташкил этилган. Компанияда 2 та махсус ва 20 дан ортқ энгил техникалар бор. Компания биносида 20 кВтлик қуёш панеллари ўрнатишга бўлиб, улар ёрада беш офис электр энергияга бўлган эҳтиёжини қондиради. БСКнинг ўз моддий-техник базаси, асбоб-ускуналар омбори мавжуд. У ерда кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатиш, авария ҳолатлари ёки бошқа ноқулай ҳолатларда зарур бўладиган жиҳозлар сақланади.

– Ҳозирги кунда кўп қаватли уйларда авария ҳолатлари бўлиб қолса ёки жорий таъмирлаш ишлари бўлса, маҳалли ҳодимларимиз мукаммал бўлиш йўлида дадил қадам ташламоқда.

оширишади, – деди компания раҳбари. – Кўп қаватли уйларнинг ертўлаларидан ҳам унумли фойдаланиб келмоқдамиз. Масалан, ертўладаги 400 квадрат метр майдонда қўзқорин етиштиришни йўлга қўйганмиз.

БСКда кўрсатилган хизматларнинг ҳисоб-китобларида биллинг тизими йўлга қўйилган. Бу аҳолига қулайлик яратади. Компания айни пайтда хизмат кўрсатаётган уйларда рақамли платформалардан фойдаланилаётган бошқарувни илгор ва янада аниқ қилмоқда. Ҳа, бугун аҳолининг талаби шу. Тезкорлик, мослашувчанлик ва энг муҳими инновация. Яна бир эътиборли жиҳати, бўш турган ерлар аҳолига томорқа сифатида фойдаланишга ажратилмоқда. Мухими, компания иш бошлаши билан миграцияда бўлган шу ҳудуд аҳолиси ҳам ватанга қайтиб ишли бўлди. Бу эса БСКларнинг ижтимоий муаммолар барҳам топишга қўшаётган ҳиссаси.

Бошқарув бу – санъат, сервис эса – маданият. Бугун дунё бўйлаб сервис компаниялари мижозга шунчаки хизмат эмас, қувонч тақдим этмоқда. Ўзбекистонда ҳам ушбу йўналишда сезиларли ютуқлар бор. Маҳаллий компаниялар халқаро стандартларга мослашиб, рақобатбардosh бўлиш йўлида дадил қадам ташламоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси

Мўйноқда ичимлик суви тармоғи янгиланяпти



Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ, “O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

2024 йилнинг октябрь ойида Мўйноқ туманида янги ичимлик суви тармоғини тортиш ишлари бошланган эди. Бугунги кунга келиб, мазкур лойиҳа доирасидаги қурилиш ишлари тумандаги барча қишлоқ фуқаролар йиғинларида изчил давом этмоқда.



Янги тармоқ ишга тушгач, Мўйноқ аҳолисига кунига 5 минг куб метр тоза ичимлик суви етказиб бериш имкони яратилади. Бу орқали 1300 дан ортиқ хонадон марказлашган ичимлик суви билан таъминланади. Лойиҳа Осиё тараққиёт банки маблағлари ҳисобидан молиялаштирилмоқда. Умумий қиймати – 8,21 миллион АҚШ доллари.

Янги магистрал сув тармоғи орқали “Туя Мўйин” сув омборидан бир қатор ҳудудларга ичимлик суви етказиб берилади. Хусусан, “Қизилжар” ҚФЙнинг Алий қишлоғи, Ҳаким ота ҚФЙнинг Дўстлик қишлоғи, “Мадели” ҚФЙдаги Шеге қишлоғи, “Бўзатов” ҚФЙдаги Амурдарё, Қипчоқдарё ва Таллик қишлоқлари, “Учсой” ҚФЙнинг Учсой ҳамда

Тўқлоқ ота қишлоқлари, шунингдек, туман марказидаги барча маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудлари аҳолисини оби ҳаёт билан таъминлаш учун яна бир қулайлик яратилади. Ҳозирда тумanning турли ҳудудларида қурилиш ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда. Яқин кунларда туман марказида ҳам ишлар бошланиши режалаштирилган.

Андижон вилояти

Замонавий мактаб биноси ўқувчилар ихтиёрига топширилди

Зиё СИРОЖ, “O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Ўжаобод туманида янги хусусий мактаб иш бошлади. “Samo school” номи билан аталувчи ушбу муассасани барпо этиш учун 3 миллион АҚШ доллари миқдоридagi маблағ сарфланди.

– Бу ерда замонавий таълим олиш учун барча шароитлар яратилган, – деди Муассархон Абдувоҳидова. – Айниқса, мактабнинг инглиз тилига ихтисослашганлиги биз ота-оналар учун ҳам маъқул. Энди фарзандла-

римиз туман марказига репетиторга қатнаб юрмайди. Ушбу мактаб биносида кенг ва ёруғ синф хоналари энг сўнгги русумдаги жиҳоз ва ўқув қуроллари билан таъминланган.

Навоий вилояти

ДАРАХТ ЭКИБ, БОҒ ЯРАТИШ ХАЙРЛИДИР

Мана бир неча йилдирки, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан юртимизда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси амалга оширилмоқда. Натижада дарахт ва бута қўчатлари экиш, боғлар барпо этиш, яшил майдонларни кенгайтириш, саноат ҳудудларини ихтазорлаштириш республикамизда оммавий ҳаракатга айланди.

Навоий вилоятида ҳам “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида “Хар бир фуқаро учун – бир дарахт” тамойили асосида жорий йилнинг баҳорги қўчат экиш мавсумида 8 миллион 842 минг туп манзарали ва мевали дарахт ҳамда бута қўчатлари экилиши белгиланган бўлса, амалда қарийб 9 миллион 235 минг донга қўчат экилди. Энг муҳими, ушбу қўчатларнинг 1 миллион 533 минг донадан зиёдроғи маҳаллалар ва аҳоли томорқаларига, қарийб 120 минг донаси мактабгача ва мактаб таълими, олий таълим, фан ва инновациялар муассасалари ҳамда уларга туташ ҳудудларга экилди.

Бундан ташқари, қўчатлар умумфойдаланиш автотомобиль йўллари, туман-шаҳар ички йўллари ва йўл ёқасига, ўрмон фонди ерларига, фермер хўжаликлари дала четларига, ижтимоий соҳа объектлари, корхона ва хизмат кўрсатиш тармоқлари ҳудудларига, ободонлаштириш бошқармасига қарашли ҳудудлар ҳамда бошқа майдонларга экилди. Қўчатлар нархининг



ассосиз ошиб кетмаслиги учун жойларда қўчат ярмаркалари ва савдо нуқталари ташкил этилди.

Шу билан бирга вилоятдаги 77 та саноат корхоналарида “Яшил ҳудуд” давлат унитар корхонаси томонидан “Яшил белбоғ”лар барпо этилди.

2025 йил 15 мартдан бошлаб туман ва шаҳарларнинг аҳоли пунктлари ёки уларга туташ бўлган ҳудуд-

ларидан “Менинг боғим” лойиҳаси доирасида “яшил боғ” ва “яшил жамоат парк”ни барпо этиш учун 1 гектаргача ер майдонлари “Очиқ бюджет” ахборот порталига жойлаштирилди, деб хабар қилади ЎЗА мухбири Абдували Бўриев.

Бугунги кунда вилоятнинг барча ҳудудларида экилган қўчатлар суғорилиб, парваришланмоқда.

Бухоро вилояти

КОГОН ТУМАНИДАГИ ЧЎКАТИ АРИҒИ ТАЪМИРЛАНДИ

Шомурод БЎРОНОВ, Халқ депутатлари Когон тумани Кенгаши котибияти мудири.

Халқ депутатлари Когон тумани бўлими ҳамда вилоят Кенгаши депутатлари ҳамкорликда тумanning “Нурафшон” ҳамда “Ўрта Чўл” маҳалла фуқаролар йиғинида аҳоли билан ўтказилган очиқ мулоқот давомида фуқаролар ушбу ҳудуддан ўтувчи Чўкати ариғини замон талабига мослаштиришга амалий ёрдам сўраб мурожаат қилишган эди.



Ушбу ҳудудда айни пайтда 5 700 нафар аҳоли истиқомат қилиб, улар асосан, томорқаларида етиштирилаётган сабзавот ва полиз экинлари ҳамда иссиқхоналар орқали моддий даромад топишади. Чўкати ариғи тумanning энг чекка ҳудуди бўлган бу икки



МФЙ аҳолисини йилига 2 ёки 3 марта ҳосил олишга эришишида муҳим аҳамиятга эга.

Шу боис, фуқароларнинг бу мурожаати юзасидан туман ва вилоят кесимида депутатлар томонидан тегишли ташкилот раҳбарларига таклиф ҳамда сўровлар чиқарилиб, ариғни таъмирлаш ишлари бошланиб кетди. Қолаверса, сув хўжалиги вазири Ш. Ҳамроев Бухоро вилоятига ташрифи давомида Аму-Бухоро канали ирригация хавзаси тизимини таъмирлаш ишлари юзасидан ҳам қатор вазифаларни белгилаб берган, жумладан, Когон туманининг Чўкати ариғини бетонлаштириш учун тегишли маблағ ҳам ажратган эди.

“Бухоро сув қурилиш инвест” МЧЖ томонидан смета ҳужжатлари лойиҳалаштирилиб, тендерга

қўйилди. Тендерда ғолиб бўлган “Бухоро гидротехника” МЧЖ шу йилнинг январь ойида бетонлаштириш ишларига киришди. Ариғнинг 4,8 километр қисми бетонлаштирилиб, 2025 йилнинг 13 май куни тўлиқ фойдаланишга топширилди.

Ариғни янгिलाб, аҳолига яна бир замонавий иншоотни тақдим этган “Бухоро гидротехника” МЧЖнинг бир гуруҳ малакали ходимлари ташаккурнома ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланишди. Қурилиш биргадири Шаҳзод Бекмуродов, қурувчи Мафтулбек Эгамов, механизатор Шавкат Тўхтаев ва Ҳасан Кенжаевлар қурилиш-таъмирлаш ишларида қатта жонбозлик кўрсатиб, халқнинг дуосига сазовор бўлишди.

Тошкент вилояти

Ҳамкорлик самараси

Олмалик кон-металлургия комбинати технологик ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўлаётган кислотали ва ишқорли оқова сувларни тозалаш бўйича Ўзбекистонда биринчи бор Финляндия тажрибасини қўллаб бошлади.



Финляндиянинг “EPSE OY” компанияси ўтган йили комбинатнинг оқова сувларни тозалаш тажриба лойиҳасини қўллаш бўйича уч томонлама шартнома имзоланган. Шу кунларда мазкур компания кислотали ва ишқорли оқова сувларни тозалаш юзасидан пилот лойиҳасини қўлламоқда. Тажриба комбинатнинг “Кўч-булок” конидаги иншоотларига ўрнатилган. Пилот лойиҳа даврида махсус реагентни

қўшиш эвазига оқаж сарфи 60 фоизга қисқартирилади. Ҳосил бўлган қуйқа таркибидан эса рангли металлларни ажратиб олиш имконияти яратилади. Синов якунида фин мутахассислари лойиҳанинг тежамкорлиги ва самарадорлигини исботлаши, ушбу занжирни саноатда қўллаш ҳамда қимёвий сув тозалаш иншоотлари ишлаш самарадорлигини 99,5 фоизга етказиш бўйича хулоса бериши керак.

Саноат зонасини ташкил этишга келишилди

Шу йилнинг феврида Президентимиз ва Малайзия бош вазири иштирокида икки томонлама музокаралар ўтказилган эди. Ҳамкорлики мустаҳкамлаш мақсадида Тошкент вилояти ҳокими бошчилигидаги делегация ушбу давлатда бўлиб, бир қатор етакчи компаниялар билан учрашди.

Жумладан, қурилиш ва муҳандислик, саноат индустриал ривожланиш соҳаларига ихтисослашган “MMC Corporation” компанияси вакиллари билан учрашув жараёнида Пискент туманидаги 120 гектарда саноат зонасини ташкил этиш имкониятлари кўриб чиқилди.

Шунингдек, “The Mines Resort and Golf Club” компанияси билан ҳам ўтган музокарада вилоятда замонавий гольф клуби ва меҳмонхона мажмуасини қуриш лойиҳасида келишувларга эри-



шилди. Ушбу йирик лойиҳа учун 100 гектар атрофида ер ажратилиши, уни замонга мос курорт зонасига айлантириш ҳамда лойиҳа учун Бўстонлик, Паркент ва Охангарон туманлари ҳудудлари таклиф этилди.

Ўз мухбири.

